
Олтиариқ тумани Халқ қабулхонасида туман ҳокимининг навбатдаги қабули ўтказилди.

Олтиариқ тумани Халқ қабулхонасида туман ҳокимининг навбатдаги қабули ўтказилди. Туман ҳокими Ш. Турдалиев, Халқ қабулхонаси мудири Ж.Бозоров ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Унда туманда истиқомат қилувчи 36 нафар фуқаролар ўз мурожаатлари билан иштирок этишди. Мурожаатлар асосан оилага моддий ёрдам, саломатликни тиклаш учун ёрдам, иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, уй-жой масалалари билан боғлиқ бўлди.

Туман ҳокими ҳамда масалага тааллуқли мутасаддилар томонидан 17 нафар мурожаатчиларга ҳуқуқий маслаҳат берилди. 3 нақар фуқароларнинг муаммолари шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди. Қўшимча ўрганиш ҳамда вақт талаб этиладиган масалалар ечими бўйича тегишли ташкилот ва идораларга кўрсатмалар берилди.

2022-08-25 17:32:43